

МАМЛАКАТ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ РОЛИ ВА УСТУВОР АҲАМИЯТИ

Авазбек Халбеков

*ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази мустақил тадқиқотчиси,
Барқарор ривожланиш маркази бўлим бошлиғи
Avazbek.khalbekov@mail.ru*

Ҳозирги глобал иқтисодий трансформация шароитида барқарор ривожланишни таъминлаш миллий иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда иқтисодиётни модернизация қилиш, тармоқларни диверсификациялаш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини ошириш ва аҳоли жон бошига даромадларни кўпайтиришга қаратилган стратегик вазифалар белгилангани мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга бўлган тизимли ёндашувни ифодалайди.

Бироқ, амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ҳудудлар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражасида муайян фарқлар сақланиб қолаётгани кузатилмоқда. Ушбу ҳолат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим омиллардан бири сифатида баҳоланади.

Шу нуқтаи назардан, мамлакат иқтисодиётида ҳудудларнинг ўрни ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш масаласи алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Замонавий иқтисодий назарияда барқарор ривожланиш иқтисодий ўсишнинг оддий миқдорий кўрсаткичларидан ташқари, унинг сифат жиҳатларини ҳам қамраб олувчи кўп омилли ва комплекс жараён сифатида талқин этилади. Ушбу ёндашувга мувофиқ, барқарор ривожланиш нафақат ялпи ички маҳсулот ёки ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни, балки аҳоли турмуш даражаси ва сифати яхшиланишини, ижтимоий тенглик ва инклюзивлик таъминланишини, шунингдек институционал муҳитнинг самарадорлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашни ҳам назарда тутаяди. Бошқача айтганда, барқарор ривожланиш иқтисодий, ижтимоий ва институционал омилларнинг ўзаро уйғунлиги асосида шаклланадиган узвий жараён ҳисобланади.

Ҳудудий ёндашув нуқтаи назаридан мазкур жараён алоҳида аҳамият касб этади, чунки барқарор ривожланишни миллий даражада таъминлаш унинг барча

худудлар кесимида мутаносиб ва мувозанатли амалга оширилишини талаб этади. Амалиёт шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсишнинг худудлар бўйича нотенг тақсимланиши ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини пасайтиради ҳамда ижтимоий-иқтисодий дисбалансларни келтириб чиқаради. Шу боис, ҳар бир худуднинг иқтисодий имкониятлари, ички захиралари ва ривожланиш салоҳиятини илмий асосланган ёндашувлар орқали баҳолаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш барқарор ривожланиш сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Худуд иқтисодий категория сифатида муайян географик маконда жойлашган, иқтисодий фаолият субъектлари, аҳоли, инфратузилма ва бошқарув институтлари ўртасидаги ўзаро боғлиқ муносабатлар тизимини ифода этади. Ушбу жиҳатдан худуд миллий иқтисодиётнинг функционал ва таркибий элементи бўлиб, унинг ривожланиш даражаси мамлакат иқтисодий барқарорлиги, рақобатбардошлиги ва ижтимоий фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, худудларнинг иқтисодий ривожланиш даражасини илмий жиҳатдан таҳлил қилиш, уларнинг салоҳиятини комплекс баҳолаш ва худудлараро мутаносибликни таъминлашга қаратилган самарали механизмларни ишлаб чиқиш замонавий иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралиши лозим.

Худуд иқтисодий салоҳияти иқтисодий назария ва амалий тадқиқотларда худуднинг ривожланиш имкониятларини ифодаловчи муҳим категория сифатида қаралади. У маълум бир худудда мавжуд бўлган, шунингдек жалб қилиниши мумкин бўлган табиий, моддий, меҳнат ва институционал ресурслар, имкониятлар ҳамда иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар мажмуасини ўз ичига олади. Мазкур салоҳият худуддаги иқтисодий жараёнларнинг кўлами, таркиби ва самарадорлигини белгилаш билан бирга, унинг миллий иқтисодиёт тизимидаги ўрни ва рақобатбардошлигини шакллантиради.

Илмий таҳлиллар шуни кўрсатадики, худуд иқтисодий салоҳияти кўп қиррали ва мураккаб тузилмага эга бўлиб, унинг таркибий элементлари ўзаро боғлиқ ҳолда фаолият юритади. Жумладан, унинг асосий компонентлари куйидагилардан иборат:

- табиий ресурслар ва хом ашё базаси, яъни худуддаги ер, сув, минерал ва бошқа ресурслар иқтисодий фаолиятнинг моддий асосини ташкил этади;

- ишлаб чиқариш ва инфратузилма салоҳияти, бу саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳамда транспорт-логистика ва энергетика тизимларининг ривожланганлик даражасини қамраб олади;

- инсон капитали ва меҳнат ресурслари, яъни аҳолининг билим, малака, меҳнат қобилияти ва демографик хусусиятлари иқтисодий ўсишнинг муҳим драйвери ҳисобланади;

- инновацион ва илмий-техник имкониятлар, бу илмий тадқиқотлар, технологиялар ва инновацияларни жорий этиш орқали ҳудуднинг рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади;

- институционал муҳит ва бошқарув самарадорлиги, яъни ҳуқуқий база, бошқарув институтлари ва инвестицион муҳит иқтисодий жараёнларнинг барқарорлиги ва самарадорлигини таъминлайди.

Мазкур таркибий омиллар ўзаро узвий боғлиқ ҳолда ҳудуд иқтисодий салоҳиятининг ягона тизимини шакллантиради. Уларнинг мутаносиб ривожланиши ҳудудда иқтисодий фаоллик даражасини ошириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда миллий иқтисодиётга қўшиладиган қийматни кўпайтириш имконини беради. Шу нуқтаи назардан, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини комплекс ва тизимли баҳолаш унинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини баҳолашда фақат ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) каби анъанавий макроиқтисодий кўрсаткичларга таяниш илмий жиҳатдан етарли эмаслиги кўплаб тадқиқотларда асосланган. Зеро, ЯҲМ ҳудуддаги иқтисодий фаолиятнинг жорий натижаларини акс эттирса-да, мавжуд ва истиқболда жалб қилиниши мумкин бўлган иқтисодий имкониятлар, яширин захиралар ҳамда ривожланиш салоҳиятини тўлиқ ифодаламайди. Бошқача айтганда, мазкур кўрсаткич натижани ўлчайди, аммо салоҳиятни эмас.

Шу нуқтаи назардан, ҳудуд иқтисодий салоҳиятини баҳолашда ресурс, демографик, инновацион ва институционал омилларни қамраб олган комплекс ёндашувни қўллаш илмий ва амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бундай ёндашув ҳудуднинг нафақат мавжуд ҳолатини, балки унинг ривожланиш имкониятлари ва келгусидаги ўсиш нуқталарини аниқлаш имконини беради.

Ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий ному таносибликлар эса иқтисодий тизимнинг табиий, институционал ва бозор омиллари таъсирида шаклланади. Жумладан, ресурслар тақсимотининг нотенглиги, инфратузилманинг турлича ривожланганлик даражаси, инвестицион жозибаторликдаги фарқлар, меҳнат бозори ҳолатининг ҳудудлар кесимида турличалиги ҳамда институционал муҳит самарадорлигидаги тафовутлар мазкур ному таносибликларнинг асосий манбалари ҳисобланади.

Ушбу омиллар таъсирида иқтисодий ўсиш суръатлари ҳудудлар бўйича турлича шаклланади, натижада иқтисодий фаоллик ва аҳоли даромадлари даражасида фарқлар юзага келади. Бу эса, ўз навбатида, умуммиллий иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий мувозанатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу сабабли, ҳудудларни барқарор ривожлантириш сиёсатини шакллантиришда иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш, ресурсларни оқилона тақсимлаш ҳамда ҳудудлараро иқтисодий фарқларни босқичма-босқич қисқартиришга қаратилган тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу эса барқарор ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида намоён бўлади.

Халқаро амалиётда ҳудудий иқтисодий салоҳиятни баҳолаш масаласи кенг ўрганилган бўлиб, турли илмий мактаблар ва институционал ёндашувлар доирасида уни аниқлашнинг бир қатор самарали моделлари шаклланган. Ушбу ёндашувлар, одатда, ҳудуднинг ресурс имкониятлари, иқтисодий натижалари ва ривожланиш истикболларини комплекс баҳолашга қаратилган бўлиб, улар орасида ресурсларга асосланган баҳолаш, рейтинг усули ҳамда интеграл индекслардан фойдаланиш энг кенг тарқалган методологик йўналишлар ҳисобланади.

Ресурсларга асосланган ёндашув ҳудуднинг табиий, меҳнат ва ишлаб чиқариш ресурсларига таянади ва улардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш орқали иқтисодий салоҳиятни аниқлашга хизмат қилади. Рейтинг усули эса турли ҳудудларни белгиланган мезонлар асосида таққослаш ва уларнинг нисбий ўрнини аниқлаш имконини беради. Интеграл индекс усулида эса кўп сонли иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар ягона комплекс кўрсаткичга бирлаштирилиб, ҳудуднинг умумий салоҳиятини ҳар томонлама баҳолаш имконияти яратилади.

Хусусан, Европа мамлакатлари амалиётида ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини баҳолашда “иқтисодий салоҳият индекси” кенг қўлланилиб, у ҳудуднинг иқтисодий ҳолати ва ривожланиш имкониятларини учта ўзаро боғлиқ йўналиш — натижа, жозибadorлик ва рақобатбардошлик кўрсаткичлари орқали баҳолашни назарда тутди. Натижа индекси ҳудуддаги иқтисодий фаолиятнинг амалий самарадорлигини, жозибadorлик индекси инвестиция ва бизнес муҳитининг жозибadorлигини, рақобатбардошлик индекси эса ҳудуднинг ички ва ташқи бозорлардаги ўрнини акс эттиради.

Мазкур ёндашувнинг устунлиги шундаки, у ҳудуд иқтисодиётини фақат жорий натижалар нуқтаи назаридан эмас, балки унинг стратегик ривожланиш имкониятлари ва бозордаги позицияси нуқтаи назаридан ҳам баҳолаш имконини беради. Бу эса давлат ва ҳудудий даражада қабул қилинадиган стратегик қарорларни илмий асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Олиб борилган илмий таҳлиллар ва халқаро тажриба натижалари шунини кўрсатадики, ҳудудлар иқтисодий салоҳияти мамлакат барқарор ривожланишининг асосий драйверларидан бири ҳисобланади. Ҳудудий салоҳиятдан самарали фойдаланиш иқтисодий ўсиш суръатларини

барқарорлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳамда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шу муносабат билан, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини баҳолаш ва бошқаришда илмий асосланган, кўп омилли ва интеграл ёндашувларни жорий этиш, шунингдек ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номутаносибликларни камайтиришга қаратилган институционал ва иқтисодий механизмларни такомиллаштириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлади. Бу эса барқарор ва инклюзив иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.